# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 19 июнь, № 119 (5539) Сешанба


## Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Самарқанд

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида вилоятдаги соҳага ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ўтказилди.*

## Замонавий соҳа учун мутахассислар

Унда агентлик тизимидаги 10 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 100 га яқин иш ўринлари таклиф этилди. Шунингдек, тадбирда агентлик тасарруфидаги муассасалар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш қилинди. Битирувчилар таълим масканида яратилган шарт-шароитлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Якунда 60 нафардан зиёд ёшларга соҳа корхоналарида ишлаш учун йўлланмалар берилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Сирдарё

*Гулистон шаҳридаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "HABIB TEKS" қўшма корхонаси фаолияти кенгайтирилди.*

## Экспортчи корхоналар кўпаймоқда

Натижада ишлаб чиқариш ҳажми икки бароварга ошиб, 220 фоиз ўсишга эришилди. Ўтган йили бу ерда 380,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг 5 ойида мазкур кўрсаткич 600,8 миллион сўмни ташкил этди. Муҳими, жамоа сафига яна 40 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси келиб қўшилди.

Шуниси эътиборлики, жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудий корхоналар томонидан 9 миллион 706 минг АҚШ долларилик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Навоий

*Учқудуқ туманидаги мебель ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Гули Моҳаройим" кичик корхонасига замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди.*

## Учқудуқ мебеллари

Компьютер ёрдамида бошқариладиган ушбу ускуналар турли шакл ва янги дизайндаги мебелларни тайёрлаш имконини берди. Ҳозирги пайтга қадар жамоа томонидан 82 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, мижозларга етказиб берилгани ана шундан далолатдир.

— Қўшимча иш ўринларини ташкил этиш мақсадида модернизациялашни давом эттираяпмиз, — дейди корхона иш бошқарувчиси Тўлқин Ханнонов. — Бунинг учун хориж компанияси билан шартнома имзоладик.

Айтиш лозимки, тумандаги саноат корхоналари томонидан йил бошидан буён 3 миллиард 480 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Пскентдаги "Фарҳод" хусусий корхонаси иш бошлаши билан 12 нафар қишлоқ ёшлари ҳам ҳунарли, ҳам ишли бўлди.*

## Лойиҳалар амалиёти

Гап шундаки, ҳозир бу ерда маҳаллий хом ашёдан чинни ва сопол буюмлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Корхона банкнинг молиявий кўмаги ҳамда ўз маблағи ҳисобидан чиннисозлик ва кулолик ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди. Жамоа аъзолари йил давомида буюртмачиларга 125 минг дона уй-рўзғор буюмлари етказиб беришни ният қилишган.

Эътиборлиси шундаки, охирги бир йил ичида туманда 10 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши эвазига саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари бўйича 83 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

**Гайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Жасур, мард ва фидойи

**ҳарбийларимиз Ватанимизнинг фахри, ишончи ва суянчидир**



*Ҳар бир тонгни ёруғ юз билан қарши олишимиз, уйқушу ишимиз сари хотиржам бориб, яна хонажон оиламиз бағрига хуш кайфиятда қайтишимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик билан боғлиқдир. Бизга инъом этилган мана шу бебаҳо неъматни асраб-авайлашда профессионал асосда шакллантирилган миллий армиямизда ўз бурчини адо этаётган жасур, мард ва фидойи ўғлонларимизнинг хизматлари беқиёс.*

### Фахр

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар Ўзбекистоннинг фахри, ишончи ва суянчидир. Уларнинг доимо хушёр ва сезгирлиги туфайли сарҳадларимиз дахлсиз, юртимиз тинч, халқимиз осойишта ҳаёт кечирмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати боис мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, ҳар томонлама

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистон тарихан қисқа муддат мобайнида ҳайратланарли натижаларга эришган муваффақиятли давлатдир»

*Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мавзуига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Америка Қўшма Штатлари сиёсий, ишбилармон ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари иштирок этдилар.*

### Биз ва жаҳон

Тадбир чоғида қатнашчилар Ўзбекистон ҳукумати томонидан жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтириш, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда маҳалла институтининг соғлом оила шаклланишидаги ролини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлдилар.

Юртимизда 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши республикамизда олиб борилаётган изчил ижтимоий сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, мазкур сиёсатда оила муҳофазаси етакчи ўрин тутади. Тадбирда Тошкент шаҳрида ижтимоий соҳанинг энг муҳим йўналишлари — таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг тараққиёти масалаларига бағишлаб ўтказилган нуфузли халқаро анжуманлар ҳам бу фикрнинг тасдиғи бўла олиши алоҳида таъкидланди.

Брифингда қайд этилганидек, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон халқаро ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

**АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Р. Блейк** АҚШ минтақадаги асосий шерик бўлган Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратишини таъкидлади. "Мамлакатларимиз ўртасида навбат билан Тошкент ва Вашингтонда сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказиш орқали икки томонлама ҳамкорликнинг мониторинги амалга оширилмоқда. Сиёсий маслаҳатлашувларни АҚШнинг йирик компаниялари иштирок этадиган бизнес-анжуманлар билан бирга ўтказиш ғалаба ўтказиш деган ғояни ишлаб чиқдик. Ҳозирги пайтда АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси билан ҳамкорликда Тошкентда худди ана шундай бизнес-анжуманни ташкил этиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда", деди у.

Р. Блейк муштарак манфаатлар ва катта салоҳият АҚШ — Ўзбекистон муносабатларининг янада кенгайишига кўмаклашади, дея умид билдирди.

(Давоми 2-бетда).

### Ифтихор

*Республикамиз пиллачилари томонидан бугунги кунга қадар 25 минг тоннадан зиёд "қумуш тола" тайёрланиб, бу борадаги йиллик шартнома мажбурияти бажарилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилингани, айниқса, қувонарлидир. Хирмонга жорий мавсумда пешқадам бўлган Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларининг пиллачилари, айниқса, муносиб ҳисса қўшдилар.*

# Пиллачилар зафари

Давлатимиз томонидан тармоққа қаратилаётган алоҳида эътибор, пиллачиларга яратиб берилаётган муносиб шарт-шароитлар туфайли "кумуш тола" хирмони тобора юксалиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Шубҳасиз, бунда Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрдаги "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат ижроси юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида, энг аввало, сифатли хом ашё тайёрлаш учун ипак қурти озуқа базаси мустаҳкамланди. Жорий йилда 55 минг гектардан зиёд майдондаги тутзор ва 76 миллион тупдан ортиқ якка тут қаторларида агротехника тадбирлари сифатли амалга оширилиб, етарли миқдорда озуқа — тут барги етказиб берилди. Бу, ўз навбатида, қарийб 44 минг фермер хўжалигига тарқатилган 443,5 минг қути ипак қурти уруғи обитобида парваришланиб, ҳар биридан ўртача 57 килограммдан ҳосил олиш имконини берди.



Х. АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг таъкидлашича, ипак қурти уруғининг асосий қисмини иқлим шароитимизга мос бўлган "Ипакчи-1", "Ипакчи-2", "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6" каби маҳаллий навлар ташкил этгани ҳосилдорлик ошишида муҳим омил бўлмоқда. Масалан, Жарқўрғон, Урғут, Денов, Бойсун, Қоракўл, Касби, Косон, Бўка, Чиноз, Каттақўрғон, Беруний, Амударё туманларида ҳар қутидан 57-65 килограммдан саноатбоп пилла олингани, бу кўрсаткич Пастдарғом туманидаги "Дилшод Сунъат" фермер хўжалигида 88 килограмм, Ургут туманидаги "Замин барака мурувват" фермер хўжалигида 80, Тўрткўл туманидаги "Фаровонлик" фермер хўжалигида 75, Балиқчи туманидаги "Рўзи-Равшан" фермер хўжалигида 71 килограммни ташкил этгани бунинг яққол далилидир.

Пиллачилар моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланаётгани ипак қурти боқишга бўлган қизиқишни янада кучайтирмоқда. Пилланинг харид нархи ўртача 20 фоиз оширилиб, етиштирилишим мўлжалланаётган ҳосил умумий қийматининг 30 фоизи миқдоридаги маблағ мавсум бошиданоқ бўнак пули сифатида берилаётгани ҳам соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳот, рағбат ва эътиборнинг натижасидир, аслида.

Энди марвариддек оппоқ пиллалар қайта ишланиб, "кумуш тола"лари тиллага айлантирилади. Ундан тўқилган шоҳи атласлар эса ўзбек пиллачилиги ва ипакчилигининг довруғини олам узра таратаверади.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Йўли очиқнинг бахти очиқ

*Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг нутқларини эшитиб, тўлқинланиб кетдим. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бугун Сурхон воҳаси жануб гавҳарига айланиб бормоқда.*

### Дил сўзи

Бу ўринда Юртбошимизнинг вилоятни ривожлантириш борасида кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари беқиёс аҳамиятга эга. Биргина "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлининг қурилиши достонларга сиғмайдиган мўъжиза бўлди. "Йўли очиқнинг бахти очиқ", дейдилар. Мана, вақт кўрсатаяптики, Президентимиз ташаббуси билан қурилган бу йўл мустақиллик, тинчлик, тараққиёт йўлига айланди. Бу бизнинг оддин йўлимиз, ўзбек халқининг йўлидир. Шу боис вилоятимизда саноат ривожи янаям жадаллашиб, экспорт салоҳиятимиз ошди. Тадбиркорларимизнинг самарали ишлаши учун имкониятлар доираси кенгайди. Қуёшли ўлкамиз чирой очиб, боғ-роғларга бурканди, элимизнинг турмуши янада фаровон, кунлари чароғон бўлди. Улуғ алломаларимизнинг қадамжолари қайта тикланди.

Ўтган йили Термизда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" республика спорт мусобақалари, кураш бўйича халқаро анжуман ва беллашувлар кўтаринки руҳда ўтказилди. Уларда томошабин сифатида қатнашар эканман, вужудимни қамраган фахр-ифтихор туйғуларидан кўзларимга беихтиёр ёш қалқди. Ким ўйлабди дейсиз, воҳамиздаги ҳаётнинг гўзал бўлиб, тараққиёт бунчалар илдамлашувини... Буларнинг барчасига мустақиллик шарофати билан, Юртбошимиз раҳнамолигида келажак сари илдам одимлаётган халқимизнинг бунёдкорона меҳнати билан эришилмоқда.

Дарҳақиқат, халқимизнинг қадди баланд, кўнгли тўқ. Кексалар иззат-икромда. Япониядa юз ёшдан ошганлар кўп, деб эшитгандим. Энди ўзимизнинг мамлакатимизда ҳам 100 ёшлилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Биргина Сурхондарёда уларнинг сони 226 нафардан ошди. Бунга сабаб халқимиз ҳаётининг фаровонлашув эмасми?!

Албатта, дастурхонларимизнинг тўкинлигини, ҳаётимизнинг осойишталигини таъминлаш осон кечаётгани йўқ. Булар замирида амалга оширилаётган оқилона сиёсат, инсон манфаатларига йўналтирилаётган изчил ислоҳотлар самараси мужассам.

Шундай экан, бу кунларнинг қадрига етиб, турмушимизни янаям яхшилаш, шу билан бирга, замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб, янги марралар сари дадил интилишимиз зарур. Зеро, ҳаракатда — баракат, деганларидек, қанча кўп ғайрат-шижоат кўрсатсак, келажагимиз янада порлоқ ва гўзал бўлади.

**Орзиқул СОАТОВ, «Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси.**

# Автотранспорт хизмати ва АКТ

**Шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишида қатнаётган автобусларда GPS тизими жорий этилмоқда.**

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида ушбу масалага бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида GPS тизимининг аҳамияти ва афзалликлари хусусида батафсил маълумот берилди.*

### Янгилик!

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга шу қадар тез кириб келмоқдаки, эндиликда уларсиз бирор бир соҳанинг истиқболини тасаввур қилиш қийин. Таълим дейсизми, тиббиёт, тўқимачилик, туризм, қишлоқ хўжалиги ёки иқтисодиётнинг бошқа исталган тармоғини оласизми, иш унумдорлигини оширишда айнан юксак технологиялар муҳим ўрин тутаётганига гувоҳ бўласиз. Бундай илғор ютуқларни ўзлаштириш, амалда кенг қўллаш масаласига бугун ҳар бир давлатнинг тараққиёт даражасини белгиловчи асосий мезон сифатида ҳам қаралмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги автотранспорт йўловчи ташиш хизматини амалга оширишда

(Давоми 2-бетда).

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

*Мамлакатимизда 2012 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан йўналтирилаётган маблағларнинг умумий ҳажми*

**5** триллион сўмдан ошиши мўлжалланмоқда.

## КИЧИК БИЗНЕСГА МОЛИЯВИЙ КЎМАК

Ушбу сармоялар бизнес лойиҳаларни имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга йўналтирилаётгани иқтисодиётимизнинг таянч устунига айланган кичик бизнесни жадал суръатларда ривожлантириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш кенг имкониятлар эшигини очиши муқаррар.

*Бугун аҳоли ўртасида ишсизликнинг олдини олиш, бандликни таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ноқулай шароитда юртимизда халқимиз турмуш фаровонлигини изчил юксалтириб боришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда. Бу борада яратилган мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асос кўзланган натижаларни қўлга киритишда муҳим пойдевор бўлмоқда.*

Парламент ҳаёти

# Аҳоли фаровонлигининг муҳим омили

Хусусан, Конституциямиз, Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари, давлат дастурлари мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ижтимоий кафолатларни рўёбга чиқариш, ишсизликдан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ҳамда 2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида олиб борилаётган ишлар ҳам бунинг тасдиғи бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган йиғилишда ана шулар алоҳида таъкидланди.

Қуйи палата депутатлари, тегишли вазирликлар ва идоралар вакиллари қатнашган мазкур тадбирда 2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг жорий йил биринчи чорагидаги ижроси юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ахбороти эшитилди.

— Ушбу дастурнинг бош мақсади янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун шарт-шароитларни кенгайтиришдан иборатдир, — дейди меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари Ф. Халилов. — Унга мувофиқ, жорий йилда 967,5 минг иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Бинобарин, мазкур ҳужжат параметрлари ижросини таъминлаш жараёнида биринчи чоракда тегишли вазирликлар, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакат бўйича 234,4 мингта янги иш ўрни, уларнинг 153 мингтадан зиёди ёки қарийб 65,3 фоизи қишлоқ жойларда яратилди. Шубҳасиз, бунда жойларда янги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмаларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш салмоқли роль ўйнади. Қолаверса, саноат, ижтимоий сектор объектлари ва бозор инфратузилмасини янада равнақ топтириш, ишламаётган қувватлар фаолиятини тиклашга берилган эътибор ҳам ижобий кўрсаткичларни таъминлади.

Йиғилишда кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари бериш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва кредитлашнинг кенгайтирилишига қаратилган катта эътибор туфайли 86,6 мингта иш ўрни очилгани қайд этилди. Унда касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада тараққий топтириш, қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, полиз-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари, иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш бўйича қилинган ишларнинг ижтимоий бандликда тутган ўрни хусусида ҳам фикр юритилди.

Йиғилишда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ишга жойлаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Бу жабҳада "корхона — коллеж" ҳамкорлигини тизимли асосда ташкил этиш учун шаҳар ва туманларда муайян ишлар қилинган, — дейди қўмита аъзоси К. Очилов. — Натижада 501,5 минг нафар коллеж битирувчиси 93 мингта корхона ва ташкилотга амалиёт ўташ учун бириктирилди.

Тадбирда жойларда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларга эътибор қаратилди. Чунончи, ҳудудларда аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар учун иш жойлари яратиш механизмларини янада такомиллаштириш лозимлиги айтиб ўтилди. Табиийки, бунда кичик саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналарини ташкил этиш, қувватларни кенгайтириш ва янгилаш дастурда белгиланган прогноз кўрсаткичларига эришиш гаровидир. Шунингдек, 2011/2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битириб чиқадиган ёшларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга оширишни самарали якунлаш муҳимдир.

Йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий бизнес, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида касаначиликнинг турли шакллари, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлигини оширишнинг мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солиш кераклиги уқтирилди.

Тадбирда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**С. МАХСУМОВ.**

# Мустаҳкам оиланинг ҳуқуқий кафолати

*Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ никоҳ ва оила институтини мустаҳкамлашга, ёш оилаларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Зотан, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамият масъулдир. Давлат сиёсатининг бу соҳадаги устувор йўналишлари "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ўз ифодасини топди. Мазкур муҳим ҳужжатга мувофиқ, мамлакатда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда — тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, ҳукумат, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари оилани қўллаб-қувватлаш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан никоҳ ва оила соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган семинарда ана шулар алоҳида қайд этилди.

Сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари, тегишли вазирликлар ва идоралар мутахассислари ҳамда экспертлари, жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда никоҳ ва оила муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёш оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими шакллантирилди, оила институтини ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратилди. Хусусан, жорий йилда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ, ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият берилмоқда. Бу мақсадлар учун 68 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратиш режалаштирилаётгани ана шундан далолатдир. Тадбиркор аёлларга оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 365 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари декларацияси ва бошқа халқаро конвенция ҳамда ҳужжатларнинг никоҳ ва оила соҳасидаги қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилган ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқда.

Семинарда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, аёллар муҳофазасига қаратилган аниқ мақсадли ишлар олиб борилаётганлиги, оналик ва болаликни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими шакллантирилганлиги алоҳида таъкидланди. Давлат бюджети умумий харажатларининг 60 фоизга яқини ҳар йили ижтимоий дастурларни молиялаштиришга, шу жумладан, оила институтини қўллаб-қувватлашга ва соғлом авлодни тарбиялашга йўналтирилаётганлиги, айниқса, эътирофга моликдир.

Тадбирда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар билдирилиб, никоҳ ва оилани ҳимоя қилиш соҳасидаги тегишли қонунлар ҳамда норматив ҳужжатларнинг ижро этилиши таҳлил этилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# «Ўзбекистон тарихан қисқа муддат мобайнида ҳайратланарли натижаларга эришган муваффақиятли давлатдир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Ж. Вашингтон университети профессори Р. Бэйкер**нинг фикрича, "Ўзбекистон тарихан қисқа муддат мобайнида ҳайратланарли натижаларга эришган муваффақиятли давлатдир". У эришилган иқтисодий ўсиш ва республикамизнинг мустаҳкам молиявий тизими алоҳида эътиборга молик эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, профессор Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш масалаларига қаратилаётган эътиборни юқори баҳолади. "Ўзбекистон таълим-тарбиянинг юқори даражаси билан ажралиб туради, бу эса давлатнинг муваффақиятли тараққиёти гарови ҳисобланади", деди у.

**"Боинг" компаниясининг халқаро алоқалар ва сиёсат бўйича директори Б. Лопп** Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар берган ижобий натижаларга эътибор қаратар экан, инфратузилмаларни, энг аввало, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар жиҳатидан республикамиз минтақа мамлакатлари орасида ажралиб туришини қайд этди. "Мамлакатда юқори тезликда ҳаракатланадиган темир йўл алоқасини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон бу соҳада ҳам дунёнинг кўпгина давлатларини ортда қолдирмоқда", дея баёнот берди Б. Лопп.

**АҚШ Конгресси Ҳуқуқшунослик кутубхонаси директори ўринбосари Р. Ньюлен** АҚШ жамоатчилиги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётига бағишланган бундай муҳим тадбирларда иштирок этишга қизиқиш билдиришини маълум қилди.

"Ўзбекистонда ҳар бир йил алоҳида ижтимоий йўналишга бағишланиши анъанаси, яъни жамият турли соҳаларининг аниқ мақсад йўлида қўллаб-қувватланиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда", деди Р. Ньюлен.

У республикада оила институти анъаналарининг ўзига хослигини, оила мустаҳкамлиги мамлакат фаровонлигида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Р. Ньюлен Ўзбекистонда бўлганида, икки халқнинг оила анъаналаридаги фарқларни кузатганини айтди. Шу боис у соғлом оила ва кучли ўзини ўзи бошқариш институтлари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг мустаҳкамланишига кўмаклашишига ишончи комил эканлигини билдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Вашингтон



# Жасур, мард ва фидойи

## ҳарбийларимиз Ватанимизнинг фахри, ишончи ва суянчидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

юксак тайёргарликка эга миллий армиямиз барпо этилди. Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланганi, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани армиямиз қиёфасини, унинг мазмун-моҳиятини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Ўтган йиллар мобайнида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлашнинг шундай тизими яратилдики, бу Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни етук мутахассислар билан тўлдириш имконини бермоқда. Хусусан, республикамиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнлар замонавий андозаларга мослашиб бораётгани, моддий-техник базаси яхшиланиб, таълимнинг илғор педагогик технологиялари кенг жорий этилаётгани бўлғуси офицерларни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Куни кеча мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий таълим муассасалари — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртлари, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимларда шулар хусусида сўз юритилди. Тадбирларда ҳокимликлар, ҳарбийлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

— Жудаям хурсандман, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ташкил этилган тантана иштирокчиси, Оқдарё туманидан келган Замира опа Бозорова. — Бугун катта ўғлим Азамат орзусига етишди — офицер бўлди. Эгнидаги ҳарбий либосини кўриб, шунчалик қувониб ўтирибманки, ҳаяжонимни сўз билан ифодалаб беришим қийин. Ўғлимнинг шарафли касбни танлаб, Ватанимиз тинчлиги йўлида хизмат қилишини ўйласам, ич-ичимдан ғурурланиб кетаман.

— Ҳарбий соҳага ёшлигимдан қизиқаман, — дейди битирувчилардан бири, Боғдод туманилик Ҳасанжон Холматов. — Мазкур таълим даргоҳида ҳарб илмига оид билимларимни бойитдим, жисмоний жиҳатдан янада чиниқдим. Келгусида ўрганганларимга қатъий амал қилиб, билдирилган ишончни оқлашга, Ватанимиз ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатишга ваъда бераман.

Барча олий ҳарбий таълим муассасаларида ташкил этилган битирув маросимларида ана шундай кўтаринки кайфият ҳукмрон бўлди.

**Ш. ЗОКИРЖОНОВ.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

Анжуман

*Пойтахтимизда нефть ва газ соҳасида йўлдош газларни утилизация қилиш ҳамда соф ривожланиш механизми лойиҳаларини амалга ошириш борасида Ўзбекистон тажрибасига бағишланган Европа ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий конференцияси бўлиб ўтди.*

# Мусаффолик йўлида ҳамкорлик

Мазкур тадбир "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Йўлдош газларни ёқишни камайтириш бўйича глобал шериклик ташкилоти (GGFR) кўмагида уюштирилди. Унда Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари ва миллий нефть компаниялари, шунингдек, халқаро нефть-газ компаниялари ҳамда халқаро молия ташкилотлари вакиллари қатнашди. Анжуманда соҳага доир долзарб масалалар ҳамда жорий этиш мумкин бўлган илғор услублар муҳокама этилди.

Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари ва ялпи исиш инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, жаҳон ҳамжамияти томонидан иссиқлик газларининг атмосферага чиқарилишини кескин қисқартириш ва иқтисодиётни ривожлантириш билан бир қаторда, атроф табиий муҳит мусаффолигини сақлаб қолиш мақсадида нефть қазиб олишда ёқиб юбориладиган йўлдош газларни қайта ишлашга йўналтиришни кўзда тутувчи лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳар йили 140 миллиард куб метр ана шу турдаги газ маҳсулоти беҳуда йўқотилади. Бу кўрсаткич Европа Иттифоқи мамлакатлари истеъмол қилаётган табиий газнинг деярли учдан бир қисмига тенг эканлигини назарда тутсак, қанчадан-қанча бойлик исроф бўлаётгани ойдинлашади. Қолаверса, нефть қазиб олишда ишлаб чиқариладиган йўлдош газларнинг ёқиб юборилиши туфайли атмосферага кўтариладиган заҳарли моддалар миқдори 70 миллионта автомобилдан бир йил мобайнида чиқадиган углерод оксиди чиқиндиси ҳажмига тенг экан!

Анжуманда айни пайтда мамлакатимизда нефть қазиб олишда ишлаб чиқариладиган йўлдош газлардан унумли фойдаланиш ва мазкур хилдаги газларни ёқиб юборишни кескин қисқартириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар юқори баҳоланди. Хусусан, ушбу йўналишда Жаҳон банки раҳбарлик қилаётган Йўлдош газларни ёқишни камайтириш бўйича глобал шериклик ташкилоти (GGFR) билан 2008 йилдан буён изчил ҳамкорлик қилиб келаётган "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан олиб борилаётган изланишлар, нефть қазиб олишда ишлаб чиқариладиган табиий газдан самарали фойдаланилишини таъминлашга хизмат қиладиган ва соф ривожланиш механизми лойиҳалари доирасидаги дастурларнинг ҳаётга кенг жорий этилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Минтақавий анжуманда Европа ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг бу борадаги тажрибалари билан ҳам ўртоқлашилди. Иштирокчилар нефть ва газ соҳасида йўлдош газлардан фойдаланиш ҳамда соф ривожланиш механизми лойиҳаларини амалга оширишда Ўзбекистон тажрибасининг ўрганишга арзирли жиҳатлари кўп эканлигини алоҳида эътироф этдилар.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.**

# Автотранспорт хизмати ва АКТ

**Шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишида қатнаётган автобусларда GPS тизими жорий этилмоқда.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

йўл ҳаракати ҳамда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисалари сонини камайтириш, ташувчилар томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш мақсадида GPS тизимини жорий этишга киришди. Бунинг учун Агентлик томонидан пухта тайёргарлик кўрилди. Аввало, мутахассислар ривожланган мамлакатларда бўлиб, уларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганишди. Ушбу давлатларда фойдаланилаётган GPS тизими дастурий маҳсулотлари ҳамда техникалари олиб келиниб, маҳаллий шароитда, яъни шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишларида фаолият кўрсатаётган автобусларда синаб кўрилди. Бунда асосий эътибор хавфсизликни таъминлаш борасидаги кўрсаткичларга қаратилди. Узоқ давом этган мана шу босқичлардан сўнг, электрон ахборот узатиш тизимини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган "Ўзахбороттранс" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда GPSни жорий этиш бўйича энг арзон ва кўзланган мақсадларга мос ечим топилди.

Хўш, автотранспорт хизмати кўрсатишда GPS тизимини қўллашнинг қандай афзалликлари мавжуд? Бу, аввало, корхоналарнинг ўзига тегишли бўлган транспорт воситасига оид барча маълумотлардан исталган вақтда хабардор бўлиб туриш имконини беради. Айтайлик, йўлда ҳаракатланаётган автобуснинг техник ҳолати, кун давомида қанча масофа босиб ўтгани, қанча ёнилғи сарфлагани, нима учун режадан ташқари белгиланган жойда тўхтагани ҳақида бир зумда хабардор бўлиш мумкин. Бундан ташқари, ҳайдовчи билан мулоқот ўрнатиш имкониятидан фойдаланиб, унинг қоидабузарликларга йўл қўяётгани, кутилаётган хавф-хатарлар ёки йўлдаги тўсиқлар туфайли йўналишни ўзгартириши лозимлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантиришда айнан GPS тизими жуда қўл келади. Агарда транспорт воситаси диспетчер кўрсатмасига бўйсунмаса, у тўхтаб турган шароитда двигатель ва эшикларни масофадан туриб ҳам блокировка қилиш мумкин бўлади. Хуллас, қулайликлари жуда кўп. Ушбу вазифаларнинг барчаси транспорт воситасига GPS технологияси асосида ишловчи махсус мослама ўрнатилгач амалга оширилади. Назорат қилувчига эса интернет тармоғи орқали харитани очиш учун махсус пароль тақдим этилади. Бу тизимдан автотранспорт хизмати кўрсатувчи барча фирма ҳамда компаниялар, тадбиркорлар бемалол фойдаланиш имкониятига эга.

Анжуманда билдирилишича, ҳозиргача 68 та автобусга GPS тизими ўрнатилди. Йил охирига қадар шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишида қатнаётган барча автобусларни ушбу дастур доирасида қамраб олиш режалаштирилган.

**Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: *«Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда иштирок этиш, шу жумладан, ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида уларни оилавий бизнесга, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилиш».*

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

— жамиятда оила институти ва маҳалланинг ролини янада мустаҳкамлаш — ёш оилалар, аёллар ва ёшлар, аҳолининг бошқа қатламларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

— оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик, халқ ҳунармандчилиги, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида, тадбиркорлик фаолияти шаклларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

— ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга шароитлар яратиш;

— аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълимини яхшилаш;

— жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ошириш, азалий миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда юқори одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйишда кўмаклашиш;

— жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.**

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2012 йил 15 июль куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел.: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.

Молия муассасаларида

*Мустаҳкам тараққиётга эришишда молия муассасаларининг самарали фаолияти муҳим ўрин тутади. Бинобарин, мамлакатимизда ушбу сектор ривожига истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида юрт равнақи, эл фаровонлигининг ошиб боришида банк-молия тизимининг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётир.*

# «Бунёдкорлик ишларига камарбастамиз»

"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки ва унинг ҳудудлардаги филиаллари ҳам мазкур жараёнларда фаол иштирок этиб, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, унинг Тошкент шаҳар, Сергели тумани филиали мижозлар орасида ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида танилган.

Боиси, асосан, ёш мутахассислардан ташкил топган ушбу жамоа томонидан аҳолига кенг миқёсдаги ва замонавий стандартларга жавоб берадиган хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Бунда ҳар бир мижозга индивидуал ёндашилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур муассаса томонидан Юртбошимизнинг тегишли Фармон ва қарорларининг изчил ижроси устувор вазифа этиб қўйилгани дунёнинг аксарият мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий таназзул шароитларида ҳам барқарорликни сақлаб қолиш имконини бермоқда. Бу борада амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида унинг молиявий салоҳияти мустаҳкамланиб, ресурс базаси янада кенгайгани, банк активларининг кўпайгани шундан далолат бериб турибди. Бошқача айтганда, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, филиал кредит портфелининг умумий ҳажми 78,3 миллиард сўмга етиб, унинг 74,1 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этди.

Филиал томонидан тегишли ҳужжатлар ижроси изчил таъминланаётгани туфайли пойтахтимизда ўнлаб хусусий ишлаб чиқариш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишга туширилди, оилавий бизнес изчил рағбатлантирилди. Ўтган йилнинг ўзида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 19,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ва бунинг натижасида юзга яқин иш жойлари яратилгани бунинг тасдиғидир. "Sharq darmon" хусусий корхонаси — ана шулардан бири. Жамоа банкдан олинган кредит эвазига дори ишлаб чиқарувчи янги ускуналар сотиб олиб, ҳозир у ерда техник ва технологик янгиланиш ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда монтаж ва созлаш ишлари якунланиш арафасида турибди. Умуман олганда, молиявий ёрдам билан қилинган мазкур модернизациялаш шарофати билан 50 кишини иш билан таъминлаш имконияти ҳам яратилади.

Бундан ташқари, "Toshkent Rizq Baraka" МЧЖга ун ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий янги ускуналарни сотиб олиш учун узоқ муддатли кредит тақдим этилди. Ушбу тадбиркорлик субъектининг молиявий қўллаб-қувватланиши натижасида корхонада юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ошди ҳамда қўшимча иш жойлари ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, аҳоли эҳтиёжларини юқори даражада қондириш учун яна бир қулайлик берди.

"HUA LU" масъулияти чекланган жамияти ҳам банк филиалининг молиявий кўмагидан унумли фойдаланганини алоҳида қайд этиш жоиз. Негаки, кўрсатилган молиявий кўмак корхона айланма маблағларини тўлдириш билан бирга, ипак пилласини қайта ишлаш ҳажмини янада оширди. Энг муҳими, беш киши муқим иш билан таъминланди.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Биз ҳикоя қилаётган банк филиали ҳам ушбу йўналишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Яъни "Асака" банки Сергели тумани филиали мутахассислари маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ёш авлодни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида ўқув муассасаларида турли семинар ва мулоқотлар ўтказмоқда. Айни чоғда йигит-қизларга бизнес лойиҳаларини амалга оширишлари учун имтиёзли кредитлар бермоқда. Масалан, ўтган йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз фаолиятларини бошлашлари учун бошланғич капитал сифатида маблағ ажратилганди. Президентимиз томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши ва қабул қилинган Давлат дастури эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Шунинг учун бошқа молия муассасаларида бўлгани каби филиал томонидан ҳам ўқув муассасалари битирувчилари, тадбиркор аёллар ва оилавий бизнес субъектларини кредитлаш ҳажми оширилди.

Шуларга уйғун тарзда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги қарорини бажариш мақсадида банк филиалини молиявий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, унинг ресурс базаси ва кредитлаш ҳажмини ошириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланган. Ўз навбатида, кредитлаш кўламини кўпайтириш, хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар маблағларини банк депозитларига жалб этиш, активлар рентабеллигини кучайтириш, пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш миқёсини кенгайтириш бўйича қатор прогноз жадваллар тасдиқланган.

Бошқа соҳаларда бўлганидек, молия муассасаларида ҳам юқори малакали мутахассислар салмоқли ютуқларга эришишда катта ўрин тутади. Шу туфайли бу ерда ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қолаверса, бугунги кунда "Асака" банки Сергели тумани филиали мутахассислари аҳоли орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳамда банк хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича кенг тушунтириш ишларини ҳам олиб бораётгани диққатга сазовор. Шу мақсадда махсус буклетлар, фойдаланувчи учун айни қулайлик ҳисобланган ахборот бурчаги ва тадбиркорлар билан ишлаш мақсадида алоҳида минизал ташкил этилган. Буларнинг барчаси "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойилини ҳаётга ўз вақтида татбиқ этиш имконини яратаётир.

Мухтасар айтганда, катта ҳажмдаги капитал, мижозлар ва ресурс базасининг кенглиги, бошқарувнинг замонавий усули "Асака" банки Сергели тумани филиали фаолияти самарадорлигини таъминламоқда. Бу эса ўсиш стратегиясини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш ҳамда ҳудуд иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшиш, энг муҳими, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратмоқда.

**Сергей ЛЕВЧЕНКО тайёрлади.**


## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

**2012/2013 ўқув йили учун қабул эълон қилади.**

***Институтда қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади.***

**Бакалавр таълим йўналишлари**

| Шифр | Таълим йўналишлари |
|---|---|
| 5150200 | **Санъатшунослик (турлари бўйича)**<br>Театршунослик<br>Саҳна ва экран санъати драматургияси |
| 5150300 | **Актёрлик санъати (турлари бўйича)**<br>Драматик театр ва кино актёрлиги санъати<br>Мусиқий театр актёрлиги санъати<br>Қўғирчоқ театри актёрлиги санъати<br>Эстрада актёрлиги санъати |
| 5150400 | **Режиссёрлик (турлари бўйича)**<br>Драма режиссёрлиги<br>Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги<br>Телевидение ва радио режиссёрлиги |
| 5151400 | **Техноген санъат (турлари бўйича)**<br>Овоз режиссёрлиги |
| 5151500 | **Кино-телеоператорлик** |
| 5111000 | **Касбий таълим (йўналишлар бўйича)**<br>Актёрлик санъати<br>Режиссёрлик<br>Халқ ижодиёти |
| 5151600 | **Халқ ижодиёти (турлари бўйича)**<br>Халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари<br>Чолғу жамоалари раҳбари<br>Фольклор-этнографик жамоалари раҳбари |
| 5151700 | **Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш** |

***Институтга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига тақдим этилиши лозим:***

— ректор номига ариза;
— маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (аттестат ёки дипломнинг асл нусхаси);
— 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
— 3,5x4,5 см. ҳажмдаги 8 дона рангли фотосурат;
— паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилади ва нусхалари топширилади.

***Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.***

Ижодий имтиҳонлар 11 июлдан 25 июлгача ўтказилади.

Ижодий имтиҳон бўйича консультациялар 3 июлдан бошланади.

Абитуриентлар 1 август куни тест синовларини топширадилар. Тест синовлари бўйича консультациялар 26 июлдан 30 июлгача давом этади.

Ижодий имтиҳонда иштирок этмаган абитуриентлар тест синовларига қўйилмайди.

Институтда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Абитуриентлар қўшимча маълумотлар учун қабул комиссиясига мурожаат этишлари мумкин.

**Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй
(Ўзбекистон давлат санъат институтининг собиқ биноси)да қабул қилинади.
Телефон: (8-371) 255-12-51. Факс: (8-371) 255-88-06.**

1004А/742



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан, Самарқанд ҳарбий судининг 2012 йил 20 февралдаги 1/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Қўйлиқ буюм бозори» ҳудудида жойлашган, «Миртайёрловсавдо» МЧЖга тегишли, икки қаватли ертўлали бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 270 715 970 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1866/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тонг 2-тор кўчаси, 27-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 600 кв.м. бўлган, 6 та яшаш хонасидан иборат уй.

***Бошланғич баҳоси — 185 000 000 сўм.***

**2.** ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2012 йил 14 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор Ц-17/18 даҳаси, 12-уй, 72-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 87,80 кв.м., яшаш майдони 55,51 кв.м. бўлган 4 хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 83 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 23 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 20 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1005А/1441



## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

***Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Экокимёбиосервис» МЧЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**1.** Бошланғич нархи 1 192 050 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Миробод 1-тор (собиқ Ивлиев) кўчаси, 14-уйда жойлашган, 2 қаватли битта бинодан иборат, бинонинг умумий майдони 748,0 кв.м., ертўласи ва 3-қавати ҳужжатсиз қурилган, конструкция тури ғиштли меҳмонхона бино-иншоотлари.

**2.** Бошланғич нархи 4 075 660 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони — 4611 кв.м., фойдали майдони — 1782,2 кв.м., конструкция тури — ғиштли, шлакоблокли 4 та бино ва 2 та ҳовузи мавжуд чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

**3.** Бошланғич нархи 1 506 820 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони — 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми, конструкция тури — ғиштли, каркасли маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.

**4.** Бошланғич нархи 2 808 670 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони — 15844 кв.м., фойдали майдони — 2898,3 кв.м., 15 та биноли, конструкция тури — ғиштли, шлакоблокли ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

*Аукцион савдоси 2012 йил 6 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.*

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

*Лицензия: № 0039.*

1003А/505



*Сара уруғ — юқори ҳосил гарови*

**Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили**

ўз омборидан такрорий экин учун

**маккажўхори ва чим уруғларини**

таклиф қилади.



**Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.**

**Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.**

996А/710



**РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР**

**ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**"КЧМ" ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ**

**ШУНИНГДЕК:**

Маҳсулот сертификатланган. Тўлов шакли турлича

**КАФЕЛЬ**
(девор ва пол учун)

**САНТЕХНИКА**
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)

**ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМРАМОР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)**

**Тел./Факс: 267-35-73**

Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127

zakamsk-group@mail.ru

694R/





**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР,** диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ** — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97



**Том маркази**

**«STIL INVEST SERVIS»**

☑ **металлочерепица** (2 вида, металл производства России)

☑ **профнастил** (гофр-0.17, 0.22, 0.35)

☑ **аксессуары для любых типов кровли**

☑ **вентиляционные системы**



**Форма оплаты — любая.**

*Производим монтаж любых типов кровли.*

E-MAIL: TOMMARKAZI@MAIL.RU

Телефон 300-09-05. Факс 228-55-93.

Товар сертифицирован.

Гувоҳнома № 003528-01.

602А/385



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

03



**«Ўзбекистон темир йўллари»**

**давлат-акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли**

**«НАЗАРБЕК» санаторий-профилакторийсида**



**асаб касалликлари, ошқозон-ичак, нафас йўллари, аёллар ва эркаклар жинсий хасталиклари ҳамда хафақон касаллиги билан келган дам олувчилар учун турли электр муолажалар, ингаляция, маъданли сув билан ўтказиладиган ҳар хил ванна, душлар, шам-озокерит, шифобахш балчиқ аппликациялари, сауна, ҳовуз, тренажёр зали ва фитобар мавжуд.**

*Тўлов шакли — турлича (пластик карточка билан ҳам амалга ошириш мумкин).*

**Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Тарнов қўрғони.
Телефон: (8-371) 247-96-51. Факс: (8-370) 974-62-70.**

**Бориш йўли: «Чорсу» бозоридан 461 ва 238-йўналишли таксилар, Жанубий вокзалдан 471-йўналишли такси, «Чилонзор буюм бозори» (Ипподором)дан 235-автобус.**

*Хизматлар лицензияланган.*

900А661


"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг собиқ ходими **Анвар МАДРАҲИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма раисининг ўринбосари З. Х. Саидовга волидаи муҳтарамаси **АҚИДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ходимлар бўлими катта назоратчиси Зарифахон Арзуметовага падари бузруквори **САЙФИДДИН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Бугун — Жаҳон болалар футболи куни

*Бу йил ўзбек футболининг 100 йиллиги нишонланмоқда. Мана шу ўтган давр хотиралари эсга олинаркан, қалбимиз беихтиёр фахр ва ифтихор ҳиссига тўлади. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришиб, миллионлар ўйини ривожига юксак эътибор қаратилгани туфайли бугунги кунга келиб футбол Ўзбекистондаги энг оммавий спорт турларидан бирига айланди.*

# «Яшил майдон»нинг бўлажак чемпионлари

Дарҳақиқат, футболнинг жозибаси, сеҳрли олами етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча мухлисни оҳанрабодек ўзига мафтун этади. Унга "миллионлар ўйини" деган таърифнинг қўлланилиши сабабларидан бири ҳам аслида шунда.

Хабарингиз бор, айни кунларда "Кўҳна қитъа"да катта футбол байрами давом этмоқда. Ёдингизда бўлса, худди шундай қизиқишни биз ўтган йили Мексикада футбол бўйича ўсмирлар ўртасида (U-17) ўтказилган жаҳон чемпионати чоғида дилдан ҳис қилгандик. Терма жамоамиз ана шу нуфузли мусобақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганини, очиғи, кимлардир тасодифга ҳам йўйди. Президентимизнинг ишончи, халқимизнинг қўллаб-қувватлашидан руҳий куч олиб, майдонда дадил ҳаракат қилган футболчиларимиз АҚШ, Чехия, Австралия каби номдор рақибларни мағлубиятга учратиб, кучимизга шубҳаланганларга муносиб жавоб қайтаришди...

Қаерда соҳа ривожига давлат томонидан эътибор қаратилса, зарур шарт-шароитлар яратиб берилса, ўша жойда, албатта, ўсиш бўлади. Бугун шаҳару қишлоқларимизга кўрк бағишлаб турган бири-биридан кўркам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси сифатида бўй кўрсатиб турибди. Сўнгги йилларнинг ўзида барча вилоят ва туманларимизда қарийб 1500 та замонавий болалар спорти иншооти барпо этилиб, зарур жиҳоз ва анжомлар билан таъминлангани фикримиз тасдиғидир. Бундай улкан имкониятлар эса кўплаб иқтидорли спортчиларни, жумладан, футболчиларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёш авлоднинг мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлашни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Унда юртимизда футболни оммавийлаштириш, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, мураббийлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малака даражасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Замонавий тиббиёт хулосаларига кўра, спорт, хусусан, футбол билан шуғулланган бола соғлом ва бақувват бўлиб ўсади, ақл-идроки ривожланади, ҳамжиҳатликни, жамоа бўлиб ҳаракат қилишни ўрганади. БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) келишувига кўра, 19 июннинг "Жаҳон болалар футболи куни" деб белгиланганида ҳам шу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинган. Мазкур санада дунёнинг қатор давлатларида, хусусан, мамлакатимизда ҳам болалар футбол жамоалари иштирокида кўплаб спорт тадбирлари ўтказилади, мусобақалар уюштирилиб, ёш истеъдод эгаларига яна бир карра ғамхўрлик кўрсатилади. Бу уларга қўшимча куч, ғайрат бағишлайди.

Кўп кузатамиз, Юртбошимиз вилоятларга ташриф буюрганларида, албатта, ўша жойда спорт, жумладан, болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратади. 2010 йили Андижонга қилган сафарлари чоғида вилоят марказининг Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзларининг қимматли таклиф ва маслаҳатларини берган эдилар. Шундан сўнг, давлатимиз раҳбарининг "Андижон шаҳрида футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур мактаб-интернатда яратилган шарт-шароитлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Учта футбол майдони, замонавий жиҳозлар билан таъминланган спорт зали, сузиш ҳавзаси, тренажёр зали, ўқув, дам олиш хоналари футболимизнинг эртанги эгалари ихтиёрига берилган. Ўтган йили сентябрь ойида таълим даргоҳининг 100х70 ҳажмдаги асосий майдонига Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан жаҳон талабларига мос сунъий қоплама тўшалгани туфайли бу ердаги имкониятлар янада яхшиланди.

— Мактаб-интернатимизда 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган 120 нафар ёш футболчи тарбияланмоқда, — дейди мураббий Ҳамидулло Зокиров. — Уларга тезлик, техника, дриблинг, ақлий изланишларни ривожлантириш каби замонавий футбол талаблари асосида сабоқ берилмоқда.

— Яхши футболчи бўлсам, келажакда миллий терма жамоаларимиз сафида тўп суриб, улкан ғалабаларга эришсам дейман, — дейди ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Шоҳруҳ Эргашев. — Шароит, имконият бор, ҳамма гап ўзимизнинг ҳаракатимизга боғлиқ.

Албатта, Шоҳруҳ сингари юксак мақсад йўлида интилиб, кунт билан илм эгаллаётган ёшларимиз жуда кўп. Бугун у ва унинг тенгқурлари — Аббос Анваров, Салоҳиддин Салоҳиддинов, Шоҳруҳ Муллажонов, Асилбек Азизов, Жаҳонгир Абдусаломов, Зайниддин Тошпўлатов, Илҳомжон Одилов каби ўқувчиларнинг иқтидори мутахассислар назарига тушган. Мактаб-интернатнинг тўққиз нафар футболчиси эса турли ёшдаги миллий терма жамоаларимизга номзод сифатида киритилган...

Президентимиз ўтган ҳафтада бўлиб ўтган халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ёшларимиз тўғрисида сўз юритиб, яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган ФИФА президенти Йозеф Блаттернинг "Сизларнинг болаларингиз мутлақо бошқача. Уларнинг кўзлари ёниб туради", деган фикрини эсга олдилар.

Нуфузли ташкилот раҳбарининг, умуман, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон фарзандлари ҳақида билдираётган бундай баҳоси, албатта, ҳар биримизга фахр бағишлайди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар футболига бу қадар юксак эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Боиси, катта майдонга илк қадамлар айнан шу даврдан бошланади. Ишончимиз комилки, бугун ғалабанинг дастлабки нашидасини тотиб, интилишу изланишлари билан ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётган навқирон авлод вакиллари келгусида жаҳон ареналарида она-Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладилар.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# Имконият, имтиёз, самара

*Мамлакатимизда ёшларнинг пухта таълим-тарбия олишлари учун барча имконият яратилган. Шу туфайли муҳташам таълим масканлари, жумладан, замонавий касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этилди. Уларда эса жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган моддий-техник база мавжуд.*

## Қарор ва ижро

Айни пайтда Президентимиз раҳнамолигида мазкур тизимни янада ривожлантириш, соҳада малакали мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари тезкор суръатларда тараққий топаётган даврда малакали, тажрибали, янгиликларни ҳаётга жадаллик билан жорий этишга қодир мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан шу йилнинг 28 майида имзоланган "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор, чин маънода, ҳаётий заруратни қондириш ва таълимнинг ўрта бўғинини кучайтиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга моликдир.

Умуман олганда, бугун мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилаётган ислоҳотларни, ривожланган давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш жоиз. Узоққа бормайлик, масалан, 2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув ўринлари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимиздаги 154 та ўқув ўрни, жумладан, Нукус маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи Жанубий Кореянинг имтиёзли кредити эвазига мультимедиа синфи, замонавий маиший хизмат кўрсатиш ускуналари билан таъминланди. Мазкур дастур доирасида амалга оширилган хайрли ишлардан яна бири шу бўлдики, ўзаро тажриба алмашиш, малака ошириш мақсадида Жанубий Корея мамлакатига бордик.

Жанубий Корея коллежлари, олий ўқув юртлари, халқаро университетлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, бандликка кўмаклашувчи марказлар, автомобиль ишлаб чиқарувчи заводлар, умуман, қаерда бўлмайлик, таълим дастури бизникидан нимаси билан фарқ қилишига алоҳида эътибор қаратдик. Уларда касб-ҳунар йўналишида, асосан, қишлоқ хўжалиги, техника, тижорат, денгиз ва балиқчилик соҳалари бўйича ўрта бўғиндаги мутахассислар тайёрланади. Айни пайтда ўқиш 50 фоиз назария, 50 фоиз амалиёт шаклида олиб борилади. Коллежларда ўқиш шартнома асосида. Биздаги таълим тизимининг устунлик жиҳатларидан яна бири шундаки, мамлакатимизда ўрта махсус таълим бепул.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ёшлар фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, жаҳон миқёсида фахрли ўринларни эгалласа, шунингдек, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлишса, олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилинади. Уларда эса бундай имтиёзлар йўқ.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, юртимизда ёшларимизни ўзлари танлаган касбга янада қизиқтириш, уларнинг етарли амалиётга эга бўлишини таъминлаш, келгусида муносиб иш ўринларини топишига кўмаклашиш учун барча шарт-шароит яратилган. Номи юқорида таъкидланган қарор бу борадаги ислоҳотларга янгича мазмун бағишлайди. Бундай имкониятдан унумли фойдаланиш эса етук мутахассисларни тайёрлашда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

**Жумагул УСНАТДИНОВА,**
**Нукус маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори.**

## Спорт

*Бирлашган Араб Амирликларида шахмат бўйича "Abu Dabi — 2012" блиц-турнири ўтказилди.*

### Мағлубиятсиз иштирок

Қувонарли жиҳати, Ҳиндистон, Миср, Сурия, Филиппин, Покистон каби давлатлардан 30 нафарга яқин спортчи қатнашган мазкур мусобақада ҳамюртимиз Сергей Қаюмов ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Маҳоратли гроссмейстеримиз турнир давомида тўққиз имкониятдан 8,5 очко жамғариб, "Abu Dabi — 2012"ни мағлубиятсиз якунлаган ягона иштирокчи бўлди.

### Ўзбекистон – жаҳон биринчилиги мезбони

*Германиянинг Гамбург шаҳрида спортнинг тош кўтариш тури бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионати Ўзбекистон вакиллари учун муваффақиятли якунланди.*

Жумладан, 80 килограмм вазнгача бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсда Воҳиддин Нажмиддинов олтин медални қўлга киритди. Хотин-қизлар беллашувида эса Муҳтарам Алиева (-60 кг.) худди шундай натижани қайд этди.

Жаҳон чемпионати билан параллел равишда ўтказилган талабалар мусобақасида Нуриддин Эргашев (-60кг.) ва Гулмира Эргашева (-70 кг.) кумуш медаль билан тақдирланишди.

Чемпионатда ўз имкониятини синовдан ўтказган яна бир ватандошимиз Лочинбек Ҳусанов иккита олтин медалга сазовор бўлди.

Нуфузли мусобақа доирасида Халқаро тош кўтариш федерациясининг навбатдаги конгресси ҳам бўлиб ўтди. Унда келаси йили жаҳон чемпионати ўтказиладиган давлат номи эълон қилинди. Биз учун аҳамиятлиси, АҚШ, Эстония, Польша каби даъвогар мамлакатлар орасидан Ўзбекистон энг муносиб, деб топилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# «Озод юрт тўлқинлари – 2012»

**медиафестивали доирасида пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан уюштирилган "Соғлом оила — соғлом жамият" мавзуидаги телемарафоннинг биринчи босқичи бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу телемарафон "Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият таянчи" шиори остида ўтказилмоқда.

## Телемарафон

— Мазкур телемарафондан кўзланган асосий мақсад жамиятимизда оиланинг мавқеини кучайтириш, мустаҳкамлигини таъминлашдан иборат, — дейди Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳудудий телестанциялар бўлими бошлиғи Бахтиёр Тошпўлатов. — Телемарафоннинг биринчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий нодавлат телестанциялар орқали оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини янада ошириш, оила, маҳалла, таълим маскани ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга доир кўрсатувлар, лавҳалар, репортажлар, интервьюлар намойиш этилди.

"Соғлом оила — соғлом жамият" телемарафони ғолиблари Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида аниқланади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Интилиш

*Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежида "Уруш бўлмасин жаҳонда" деб номланган иншолар танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.*

### Иншолар танлови

Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ташкил этилган бу баҳсда вилоят босқичларида ғолиб чиққан 14 нафар ўқувчи қатнашди.

Кам таъминланган оилалар фарзандларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш каби эзгу мақсадлар кўзланган танловда Сирдарё вилоятидаги Мирзаобод тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Сайёра Умарова ёзган иншо биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Реклама ва эълонлар



CLAAS

**«Uz CLAAS Service» МЧЖ**

**Германиянинг юқори унумли қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи «CLAAS» концерни Ўзбекистонда «CLAAS» қишлоқ хўжалик техникаларига сервис хизмати кўрсатиш ҳамда асл (оригинал) эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун расмий «Uz CLAAS Service» масъулияти чекланган жамиятини ва унинг вилоят филиалларини ташкил қилди.**

**Сифатли сервис хизмати ва асл эҳтиёт қисмлар учун жамиятнинг бош офисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:**
**Тошкент ш., Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, 45-уй.**
**Мўлжал — «Янгиобод бозори».**
**Тел.: (8-371) 230-93-77, 230-93-74. Моб.: (8-598) 368-93-77.**
**service@uzclaasservice.uz info@uzclaasservice.uz**

*Сизнинг техникангиз узоқ муддат хизмат қилиши тарафдоримиз!*

**Диққат! Асл эҳтиёт қисмлар қадоғида голограмма бўлиши лозим!**



904R/670

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MChJ

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**



**Унда шошилиб таваккал қилманг.**

*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

*Лицензия: RR-0001.*

563R/1441

**Унутманг!**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**


## ОБ-ҲАВО (19 июнь)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +19 +24 | +32 +37 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +19 +24 | +36 +41 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +17 +22 | +34 +39 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +19 +24 | +36 +41 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +17 +22 | +33 +38 |
| Тошкент шаҳрида | +19 +21 | +37 +39 |




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ғ. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5